



2017-й.г. «24» март № 1192-к Самарқанд т.-р. Самарқанд

Самарқанд туман «Оҳалик» қишлоқ фуқаролар йиғини «Меҳробод агротехсервис» фирмаси ҳудудидан «SAMARQAND MIRONQUL UZUMLARI» масъулияти чекланган жамиятига маъмурий бино, омборхона ва қоровулхона қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 февралдаги «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа объектлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 августдаги 357-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиблари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларни ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси, «Қишлоққурилишлойиха» бош лойиҳа кидирув институтининг 2014 йил 19 декабрдаги 12-14/592-сонли хулосаси, Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 16 йил 08 августдаги 1103-сонли хулосаси ва «SAMARQAND MIRONQUL UZUMLARI» масъулияти чекланган жамиятининг туман ҳокимлигига берган аризаси ҳамда ишчи гуруҳ қароридан тузилган ер танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23-моддасига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ қароридан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. Самарқанд туман «Оҳалик» қишлоқ фуқаролар йиғини «Меҳробод агротехсервис» фирмаси ер харитасининг 424-контуридан «SAMARQAND MIRONQUL UZUMLARI» масъулияти чекланган жамиятига маъмурий бино, омборхона ва қоровулхона қуриш учун жами 0,04 га (шундан: 0,04 га туман захирасидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.
3. «SAMARQAND MIRONQUL UZUMLARI» масъулияти чекланган жамиятига маъмурий бино, омборхона ва қоровулхона бино иншоотларини қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8,39-ва 54-моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солигини ундириш ва 2018 йил 1-январ ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (З.Зохидов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З.Олимов)га таъминлансин.
5. «SAMARQAND MIRONQUL UZUMLARI» масъулияти чекланган жамияти қароридан «Ер кодекси»нинг 36-моддаси талаблари бузилган тақдирда ушбу қарор ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Курбонов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров